

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ахмедов Ойбек Тургунпулатович,
НамМҚИ катта ўқитувчиси
E-mail: ahmedov4008166@gmail.com

Адашев Азимжон Ўринбоевич,
НамМҚИ катта ўқитувчиси
E-mail: azimray@mail.ru

Аннотация: Мамлакат иқтисодиёти, аҳоли турмуш фаровонлиги ва яшаш шароитини яхшилашда қурилиш тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, у нафақат миллий иқтисодиётда балки, ижтимоий соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қурилиш тармоғининг ўрни ва аҳамияти, унинг ривожланишида инвестиция таъсири кўриб чиқилган. Шунингдек, соҳани янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Аннотация: Строительная отрасль играет важную роль в улучшении экономики страны, уровня жизни и уровня жизни. Строительство является одной из ключевых отраслей промышленности, а не только в национальной экономике, но и в социальной сфере. Поэтому в статье рассматривается роль и значение строительной отрасли в экономике Турции и ее инвестиционное влияние на ее развитие. Также есть предложения и рекомендации по дальнейшему развитию сектора.

Abstract: The construction industry plays an important role in improving the country's economy, living standards and living standards. Construction is one of the key industries, not only in the national economy, but also in the social sphere. Therefore, the article examines the role and importance of the construction industry in the Turkish economy and its investment impact on its development. There are also suggestions and recommendations for further development of the sector.

Калит сўзлар: қурилиш, уй-жой, қайта қуриш, реконструкция, инвестиция, фойда, консервация.

Кириш

Қурилиш маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида келтирилган [1]:

- социал-иқтисодий жадал ривожланиши, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларни кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

- янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига шаҳар типдаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмаларнинг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби устувор вазифалар келгусида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳот ҳамда ишларни белгилаб берди.

Бундан англаш мумкинки, қурилиш тармоғи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнаши, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлаши, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашувига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

Келтириб ўтилган мақсадга эришиш учун тармоқ иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш ва тадқиқотлар олиб бориш орқали инвестицияларнинг таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқлаш, уларни пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзу доирасида бир қатор мутахассис олимлар тадқиқот олиб боришган бўлиб, Ковалев В.В. “Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари, катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-харажатларни талаб қилиб, уни ишлаб чиқариш даври узоқ муддатлидир”-деб таъкидлайди [2]. Ҳақиқатдан ҳам тармоққа киритилган инвестициянинг қайтиши узоқ муддатни ташкил этади. Аммо ҳозирги кунда қурилишга сармоя киритган инвесторлар манфаатларини ўйлаган ҳолда, мамлакатимизда ипотека банклари томонидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

И.С.Степанова таҳрири остида чиқарилган адабиётда “Қурилиш тармоғида жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроқ қисми яратилади” [3] дейилган. Тадқиқот натижалари биргина қурилиш харажатлари таркибида транспорт сарф-харажатларининг қиймати 20-25 фоизни ташкил қилиши аниқланган. Бу эса ўз навбатида қурилиш тармоқларини таҳлил қилишда кўпроқ транспорт масаласи бўйича эконометрик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.


Қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг 80 фоизи, ёғоч материалларининг тахминан ярми, металл ижарасининг 20 фоиздан кўпроғи, машинасозлик саноати маҳсулотларининг 10 фоиздан кўпроқ қисми қурилишда фойдаланилади[4]. Бу эса тармоқ фаолиятида аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини англатади.

Шу боис, қурилиш тармоқларини ривожлантириш ва унда инвестициялардан фойдаланишнинг таркибий ўзгаришлар асосида янада чуқур тадқиқот олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масаласи сифатида намоён бўлиб, нафақат илмий балки, амалий аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар

Капитал қурилиш – асосий воситаларни яратиш ва уларни реконструкция қилиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган асосий фондларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаолият. Капитал қурилиш хараёни лойиҳалаш ва тадқиқот, қурилиш монтаж ишлари, қурилиш монтаж ишлари, қурилиш материаллари ва транспорт хизматларини ўз ичига олади [5].

Қурилиш тармоғи қурилаётган объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қўйи тармоқларга бўлинади [6] (1-расм).



1-расм. Қурилаётган объектларнинг характери ва мақсадига кўра тармоқларга бўлиниши

Манба: Муаллиф ишланмаси

1-расмда келтирилганидек, тармоқларга бўлиниш, ўз навбатида, қурилишда ихтисослашувни чуқурлаштириш ва қурилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда бирор-бир тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш учун керак. Инвестициялар киритилишида ва инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқишда ҳамда тармоқ таҳлилининг амалга оширишда юқорида келтирилган ҳар бир тармоқ хусусиятларини эътиборга олиш талаб этилади.

Қурилиш мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун моддий-техника базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир қилувчи барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим.

Бундай усуллар таркибига эконометрик моделларни киритиш лозим бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради[6].

Демак, қурилиш тармоғида инвестициялардан фойдаланиш жараёнларини чуқур ўрганиш учун ҳам иқтисодий ҳам эконометрик таҳлилни олиб бориш тадқиқот методологиясини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг капитал қурилиш янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва савдо расталари, ҳаммом, чойхона, шифохона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, ўнлаб меъморий мажмуалар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тугатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган ихтисослашган давлат концернлари, компаниялар, давлат акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар ташкил этилди.

Уларнинг энг йириклари: “Ўзсаноатхўжаликқурилиш” корпорацияси, “Ўзмонтажмахсусқурилиш” уюшмаси, “Ўздеҳқончилик-қурилиш”, “Ўзжамоахўжаликқурилиш” давлат ширкат бирлашмалари, “Тошкентуй-жойинвестқурилиш” корпорацияси ва бошқалардир. Сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни “Ўзсувқурилиш” давлат концерни олиб боради. “Ўзтрансқурилиш”, “Ўзавтойўл” концерни, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳам қурилиш ишларини бажаради.

Қурилиш амалиётида мижоз одатда умумий ишни бажарувчи бир буюртмачи билан якунлайди, у ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳамда жавобгарликни мувофиқлаштириш мажбуриятини олади. Муайян турдаги ишларни бажариш учун субпудратчи жалб қилади [10]. Бу эса ўз навбатида шартнома асосида қурилиш тармоғига инвестиция қилиниш чоратадбирларини белгилайди.

Қурилиш соҳасида олиб борилган ислохотлар ҳар йили амалга оширилиб унда ўтган йилда режалаштирилган ишларнинг якунлари ва келгусида қилинадиган вазифалар ҳамда устувор йўналишлар белгилаб олинади. Жумладан, 2016 йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техника базасини

янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаблари барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди. Ушбу соҳада бундай ижобий ишларни кўплаб келтириш мумкин. Бунинг учун эса албатта қурилиш тармоқларида бажарилган ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғининг умумий ҳолати

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2016 йилнинг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (-,+)
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	388,4	1453,1	8246,0	25329,1	29265,8	28877,4
Корхона сони, минг бирлик	14,1	16,4	21,7	23,3	23,8	9,7
Бандлар сони минг бирлик	676	849	1 065	1227,5	1263,6	587,6
Киритилган инвестиция, млрд. сўм	3,6	27,3	219,7	1057,1	1132	
Тармоқ фойда ва зарари, млрд. сўм	16,0	43,6	83,5	138,2	141,6	125,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал маълумотлари асосида қурилиш тармоғида бажарилган ишлар ва унинг натижалари бўйича таҳлил қилсак, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки 2000 йилида бажарилган қурилиш ишлари 388,4 млрд. сўмни ташкил этиб, у 14,1 минг корхонада фаолият кўрсатган 676 минг нафар ишчи билан амалга оширган бўлиб, бунинг натижасида тармоқ 16 млрд. фойда олган.

2016 йилда тармоқда бажарилган ишлар 2000 йилга нисбатан 28877,4 млрд. сўмга, тармоқда банд бўлган аҳоли сони 587,6 минг бирликка ошиб, бу даврда тармоқдаги фойда дастлабки маълумотларга 125,6 млрд. сўмга етганлигини кўриш мумкин.

Агар 2-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича 2000-2016 йиллар статистик маълумотларга кўра, қуйидаги белгилашлар; бўйича қурилиш ишларид бажарилган ишларни натижавия

$$Y = -100,3 + 0,18 * X_1 + 0,34 * X_2 - 0,1 * X_3$$

Бу ерда;

Y- қурилиш ишлари

X₁-киритилган инвестиция;

X₂-бандлар сони;

X₃-корхона сони.

Аниқланган регрессия тенгламасига эътибор қаратадиган бўлсак, тармоққа киритилаётган инвестиция ҳажми ва бандлар сонини бир-бирликка ошириш ҳисобидан қурилиш тармоғида бажарилган ишлар ҳажмини мос равишда 0,2 ва 0,34 бирликка қўшимча ошириш мумкин. Корхоналар сонини ҳозирги шароитда кўпайтириш тавсия қилинмайди чунки, улар сонини бир фоиз ошириш тармоқда бажарилган ишлар ҳажмини 0,1 фоиз камайишига олиб келиши аниқланди.

Бу борада ҳукуратимиз томонидан амалга оширилган ислохотлар ва қабул қилинган фармон ҳамда дастурларда:


- қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқариш ва қурилишини жадал ривожлантириш ҳамда локализациялаштириш;

- қишлоқ ҳаётини тубдан юксалтириш, аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш;

- қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларини намунавий лойиҳалаш, қишлоқ объектларини барпо этиш;

- замонавий уйлар қуриш, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт иншоотлари, мактаблар бўлимини ривожлантириш, қуриш, қишлоқ инфратузилмасини барпо этиш каби вазифалар белгиланганлиги ва уларни изчиллик билан амалга оширилганлиги билан изоҳлаш ўринли.

Албатта, ушбу белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун изчиллик билан қилинган ҳаракат ўз натижасини берди. Яъни, 2016 йилда тармоқда бажарилган ишлар 29265,8 млрд. сўмга етган. Тармоқда банд бўлган аҳоли сони 1263,6 минг нафарга етиб ва бу даврда тармоқдаги фойда дастлабки маълумотларга 141,6 млрд. сўмга етди. Таъкидлаш жоизки, соҳада бундай ижобий натижаларга эришишда тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг ўрни беқиёс бўлиб, бу йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғига киритилган инвестиция динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

3-расмдан кўриш мумкинки, 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда қурилиш тармоғига киритилган инвестиция ҳажми 1128,4 млрд. сўмга ошган бўлиб, 2015 йилдан 2016 йилда яъни қисқа муддат оралиғида 74,9 млрд. сўмга ошган. Ушбу ҳолат мамлакатда аҳолини уй-жой масаласига қаратилаётлиги ва тармоққа киритилаётган инвестициянинг кўпроқ қисмини аҳоли маблағлари ташкил этаётганлигидан деб изоҳлаш ўринли.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фан-техника тараққиёти таъсири остида қурилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, уларнинг замирида эса қурилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва қисмлардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга ўтиши ётади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сонини ошириш мумкин эмас Чунки, улар сонини бир фоиз ошириш тармоқда бажарилган ишлар ҳажмини 0,1 фоиз камайишига олиб келиши аниқланди Шу боис, ҳозирги кунда қурилиш ишлаб чиқаришининг характери ҳам тубдан ўзгарди. Оғир қўл меҳнати йирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Қурувчи-монтажчиларнинг қурилиш майдончаларидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Бизнингча, қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони 2017 йил 7 февраль

2. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: Фи-нансы и статистика, 2002.

3. Экономика строительства: Учебник / под общей ред. И.С.Степанова. - 3-е изд., доп. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2006. – 620 с

4. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004

5. Методические рекомендаций по оценке эффективности инвестиционных проектов (вторая редакция) : официальное издание / Министерство экономического развития и торговли Российской Федерации, Министерство финансов Российской Федерации, Государственный комитет по строительству, архитектуре и жилищной политике. ; рук. ав! \ кол. : В.В. Косов, В.Н. Лившиц, А.Г. Шахназаров. М. : Экономика, 2000.

6. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услугиётини такомиллаштириш. Монография. // Тошкент: “ИQTISODIOT”, 2017.-203 бет.